

ТАДБИР
САМАРАЛИ БЎЛДИ

Янги ўқув йили бошланиши билан кўчалар ва жамоат транспорти аяна болсалар билан гавжумлашди. Бундай шaroитда фарзандларимизнинг хавфсизлигини таъминлаш янада долзарб аҳамият касб этади.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан тегишли ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда мамлакатимизда анъанавий "Диққат, болалар!" тадбири ўтказилди.

2-10 сентябрь кунлари ўтказилган тадбир давомида кўлаб учрашув ва суҳбатлар ташкил этилди. Йўллар ва ўқув муассасалари атрофида ҳаракат хавфсизлиги билан боғлиқ панно ва баннерлар ўрнатилди.

Мутасадди идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда ўқув муассасаларига олиб борувчи йўллар ва кўчалар кўриклдан ўтказилди. Аниқланган камчиликлар бартараф этилиши баробарида, мингга яқин йўл белгиси янгисига алмаштирилди.

ЎЗА.

МЕҲНАТИ ҚАДР ТОПГАН
ЧИЛАНГАР

Инсон меҳнатининг роҳатини кўрса, юзага чиқса хурсанд бўлади, боши кўкка етади.

Янгийўл шаҳридаги "Сувоқава" ишлаб чиқариш шўъба корхонаси сув тармоқлари бўлими чилангар Ёқубжон Халимтоевнинг қувончи чексиз. У мамлакатимиз муста-

қиллигининг 19 йиллиги муносабати билан "Шухрат" медалига сазовор бўлди.

— Қилган меҳнатларим бу даражада қадрланишини кутмагандим, — дейди у. — Бу муко-

фот мени келгусида янада самаралироқ ва баракалироқ меҳнат қилишга ундамоқда.

Хуррият МҲМИНОВА.

СУРАТДА: (ўртада)

Ёқубжон Халимтоев

ҳамкасбалари билан.

Собир ЗУФАРОВ олган сурат.

УМРИНГИЗГА БАРАКА, ФЕРМЕР!

1994 йили биринчилар қаторида "Ибрат" фермер ҳужалигини тузиб, ўғиллари Султонмурод, Абдуллазиз ва Жаҳонгир билан уч гектаргина майдонда иш бошлаганди. Қўлтивазияга арағи ярайдиган битта эски Т-28Х4 тракторидан бошқа ҳеч вақоси йўқ эди. Кенжаси Жаҳонгир акалари қаватида пилдираб юрса-да, ҳали ўн тўрт ёшли бола эди.

Аммо, улар ишни эп-лашди. Манаман деган фермерлардан қилишмай, ҳамма экинлардан бирдек салмокчи ҳосил олиб, ҳужаликнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаб боришди. Тўғрисини айтганда, Тўхтабой Раҳматовнинг 1994 йилгача собиқ Фуломмаҳмуд Абдуллаев номли ҳужалиқда ҳисобчи, бригадир, ҳосилот бўлиб ишлаб, орттирган тажрибалари иш берди.

2006 йилга келиб, ҳужаликнинг тақдирини тубдан ўзгарди. Аввало, Тўхтабой тендерда қатнашиб, 30,3 гектар ер ютиб олди. "Ибрат" тумандаги йирик фермер ҳужаликлари сафига кирди. Энди

(Давоми. Боши 1-бетда).

унинг номини ҳам ўзгартиришди — "Қамол Тўхтабой барака". Аммо, шу муносабат билан бир гапни алоҳида таъкидлаш ўринли бўлса керак. Ҳужаликнинг номи ўзгарса-да, у айрим фермер ҳужаликларига кўп жиҳатлардан ҳамон ибрат қўратмоқда. Бу йилги натижалар шундан далolat бериб турибди.

16 гектар майдондаги бугдой обдон бўлиб берди. Деҳқонларнинг тили билан айтганда, дон хирмондан тошди. Бу фермернинг гапидан ҳам маълум: "Давлат эҳтиёжлари учун 78,1 тонна галла топширдик". Бунга ўзларига қолган донни ҳисобсак, бугдой қанчадан ҳосил тўкканини ҳисоблаб чиқариш қийин эмас.

Ҳар йили 16 гектар атрофидаги майдонда сабзавот маҳсулотлари етиштирилади.

— Беш-олти хил сабзавот ва бошқа турли резаворлар экамиз, — дейди тўнғич ўғил — иш юритувчи Султонмурод. — Нимани қанча екишимизни бозор белгилайди. Чунки, нимаки етиштирсак, бутун қўқлам, ёз ва куз да-

вомида ташкил этиладиган ярмаркаларга чиқарамиз. Пойтахтдаги ҳамма бозорларда маҳсулотларимизни арзонроқ нархларда сотамиз. Шу билан бир вақтда бозор талабларини ўрганиб борамиз ва шунга қараб экин турларини жойлаштирамиз.

Зангиота туманидаги "Қамол Тўхтабой барака" энди оғизга тушган фермер ҳужаликларида. Ўртбошимиз ташаббуси билан ташкил этилган анъанавий "Ташаббус" танловида иштирок этиб, туманда биринчи, бўлиб босқичида эса совринли ўринларни эгаллай бошладик. Вақти келиб республика босқичига ҳам чиқиб, вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қилса ажаб эмас. Зеро, орзуга айб йўқ.

— 2006 йилдан буёғига техника паркимизни яратиб ва мустаҳкамлашга астойдил ҳаракат қилаётиш, — дейди бир пайтлардаги ўн тўрт ёшли болакай, ҳозир эса ҳужаликнинг ҳимоясига қиролди Жаҳонгир. — Кейинги тўрт йилда аввалги техникаларимиз қаторига янги МТЗ-80 трактори, ГАЗ-52 юк

машинаси ва бошқа кўлаб керакли машина-механизмлар қўшилди. Энди нафақат ўзимизнинг эҳтиёж, балки қўшиларнинг илтимосларини ҳам қондираёмиз. Масалан, бу йил "Абдурахмон Қўлпон", "Шухрат Зиёда" каби фермер ҳужаликларида ёрдамимиз тегибди.

Биз фермер билан суҳбатимиз давомида бир нарасига қатъий ишонч ҳосил қилдик. У ўтган умридан жуда мамнун. — Ёшим етмиш иккига борди, — дейди фермер. — Фарзандларим қўлимдан ишимни олишяпти. Эртага невараларим ҳам уларнинг қаватида киришадик. Шундай доруламон кўнлар насиб этгани учун шукроналар айтиб, Ўртбошимиз ва ҳукуматимизга миннатдорчилик изҳор этамиз. Ишлайман, ахши яшайман, жамиятга, эл-юртимга қайшаман деган одам учун ҳамма шароит бор эди. Бунинг қадрига етган деҳқоннинг хирмонига ҳам, умрига ҳам барака кирди, албатта.

Абдусамад Йўлдошев, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

ТАРАҚҚИЁТГА
ЭРИШИШ ЙЎЛИДА

Пойтахтнинг "Dedeman Silk Road" меҳмонхонасида "Минг йиллик тараққиёт мақсадаларининг Ўзбекистондаги натижаларини баҳолаш" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

БМТнинг мамлакатимиздаги UN-DESA ва UNDP марказлари ташаббуси билан ўтказилган семинарда Осиё давлатларининг иқтисодий салоҳиятини аниқлаш, дунё миқёсида глобал муаммо бўлиб келган иқтисодий инқироз ҳолатларидан мамлакатимизнинг муваффақиятли кириб кетиш йўллариини ўрганиш, бошқа давлатларда ҳам татбиқ қилиш ва юртимиздаги мавжуд иқтисодий, маданий, иқтисодий соҳаларда юз бераётган ўзгаришларга аниқ баҳо бериш масалалари, аҳоли саломатлигини тиклаш, оналик ва болалаликни муҳофаза қилиш ҳамда атроф-муҳит муҳофазаси ҳамда экология соҳасига қаратилаётган эътибор, сув ресурсларини тежаш хусусида тўхталинди.

Азиза ҚИЁСОВА, "Туркистон-пресс".

Вилоят ҳокимининг 2010 йил
29 августдаги қарорига иловалар

1-илова
Вилоят ҳудудидаги бозорларда ундирилдиган бир марталик йигим тўловлари миқдори

№	Маҳсулот турлари	Бир савдо ўрни сатҳи (м)	Патта тўлови миқдори (сўм)
1		2	3
1	Вилоят шаҳарлари деҳқон бозорларида:		
	— озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1,5	4000
	— миллий нон ва нон маҳсулотлари сотиш	0,8	2000
	— салқин ичимликлар ва муздаймоқ сотиш	1,5	3500
	— ҳар хил пиширилган тайёрлаб сотиш (хасил, хоним, сомса ва бошқа)	1,5	3500
	— қабоб ва тандир сомса сотиш	1,5	4500
	— супурги сотиш	1,0	1500
	— ҳалқ табobati ўсимликлари сотиш	0,8	1000
2	Вилоят туманлари деҳқон бозорларида:		
	— озиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1,5	3500
	— миллий нон ва нон маҳсулотлари сотиш	0,8	1500
	— салқин ичимликлар ва муздаймоқ сотиш	1,5	3000
	— ҳар хил пиширилган тайёрлаб сотиш (хасил, хоним, сомса ва бошқа)	1,5	3000
	— қабоб ва тандир сомса сотиш	1,5	4000
	— супурги сотиш	1,0	1200
	— ҳалқ табobati ўсимликлари сотиш	0,8	800
3	Гуллар	1,5	2500
4	Тувак гуллари	1,5	1000
5	Қўнлар	1,0	2500
6	Қартошка	0,8	1500
7	Сабзавотлар	0,8	1500
8	Қўнлар	0,8	1200
9	Сут ва сут маҳсулотлари	0,8	1500
10	Қаймоқ	0,8	2500
11	Дукачки донлар	0,8	2000
12	Донлар	0,8	2000
13	Гўрч	0,8	3000
14	Хўл мева	0,8	2500
15	Қуруқ мева	0,8	3500
16	Полиэ маҳсулотлари (ақратилган жойда)	1 кв.м	600
17	Цитрус маҳсулотлари	0,8	3500
18	Теплица маҳсулотлари	0,8	3000
19	Гўшт маҳсулотлари:		
	— вилот шаҳарларида	0,8	5500
	— вилот туманларида	0,8	5000
20	Тукум	0,8	1500
21	Зирavor ва дориворлар	0,8	2000
22	Тузама ва сапатлар	0,8	2000
23	Асап	0,8	3000
24	Махсус ақратилган жойларда юк машинасида қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари сотиш — 1 кунга:		
	— вилот шаҳарларида		8000
	— вилот туманларида		7000
25	Махсус ақратилган жойларда енгил машинада қишлоқ ҳужалик маҳсулотлари сотиш — 1 кунга:		
	— вилот шаҳарларида		5000
	— вилот туманларида		4500
26	Тирки парранда	хар донан	500
27	Ҳўжалар (хар 10 тасидан)	400	
28	Балиқ ва балиқ маҳсулотлари	0,8	5000
29	Қорамол ва отлар (хар бошидан)		
	Отлар ва от эмгакчи боласи билан (хар бошидан)		7000
	Чўчка (хар бошидан)		9000
	Бўқа, тойчоқ ва эшакдан (хар бошидан)		4500
	Қўй ва эчкилар (хар бошидан)		5000
	Чўчка боласи (хар бошидан)		3500
	Қўзи ва улоқлар (хар бошидан)		2500
30	Чорва моллари бозорларида эгар, арқон, юган, халқа, така ва бошқалар	1,5 м	3500
31	Сомон, хашак ва пичан сотувчилардан	3 кв.м.	3500
32	Носой ва тамаки	0,8	2000
33	Лотерея сотиш	0,8	1200
34	Газета ва журналлар	0,8	1000
35	Қаллапоча, қорин, икак ва бошқалар	0,8	3000
36	Бм маҳсулотлари сотиш	1 кв.м.учун	1000
37	Қўлпай	0,8	1500
38	Стаканилаб сотилдиган ер ёнғоқ ва pista	0,8	800
39	Полиэтилен ва қороз пакетлар	0,8	1200
40	Вилот шаҳар, туман деҳқон ва буюм бозорларида:		
	— ҳўн сотиш	2,0	2000
	— жуандан тўқилган рўмол	0,8	400
	— ҳўн пайпоқ	1,5	1500
41	Турғун савдо шохобчаларидан:		
	— вилот шаҳарларида	1 кв.м.учун	700
	— вилот туманларида ва Оҳангарон шаҳрида	1 кв.м.учун	500

Вилоят шаҳар буюм бозорларида патта тўловлари миқдори

№	Маҳсулот турлари	Бир савдо ўрни сатҳи (м)	Патта тўлови миқдори (сўм)
1	Носиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1,0	2800
		1,5	4000
		2,0	5000
2	Гилам ва гилам маҳсулотлари	3,5	4500
3	Газмоллар	3,5	5000
4	Таъмирлаш материаллари ва сантехника	1,5	3800
5	Полиэтилен ва қороз пакетлар	0,8	1200
6	Эски ишлатилган буюмлар	0,8	500
7	Ҳунармандчилик ва қосибчилик буюмлари	1,5	2500
8	Чини, хрусталь, фаянс буюмлар	2,0	3500
9	Мебель ва уй жиғозлари	3,5	5000
10	Эски автомобилъ қисмлари	1,5	2000
11	Турғун савдо шохобчаларидан	1 кв.м.учун	700

Вилоят туманлари деҳқон ва буюм ҳамда Оҳангарон шаҳар буюм бозорларида патта тўловлари миқдори

№	Маҳсулот турлари	Бир савдо ўрни сатҳи (м)	Патта тўлови миқдори (сўм)
1	Носиқ-овқат маҳсулотлари сотиш	1,5	3500
		2,0	4500
2	Гилам ва гилам маҳсулотлари	3,5	4000
3	Газмоллар	3,5	4000
4	Таъмирлаш материаллари ва сантехника	1,5	3000
5	Полиэтилен ва қороз пакетлар	0,8	1200
6	Эски ишлатилган буюмлар	0,8	400
7	Ҳунармандчилик ва қосибчилик буюмлари	1,5	2000
8	Чини, хрусталь, фаянс буюмлари	2,0	3200
9	Мебель ва уй жиғозлари	3,5	4000
10	Эски автомобилъ қисмлари	1,5	1500
11	Турғун савдо шохобчаларидан	1 кв.м.учун	500

12	Бўстонлик туман деҳқон бозори ҳудудидаги турғун савдо шохобчаларидан	7,5 кв.м.гача 12,5 кв.м.гача 15 кв.м.гача юқорисига 1 кв.м.гача	4000 4800 5800 6600
	Дам олиш кўнлари маҳсулот сақлаш учун дўконлардан омборхона сифатида фойдаланиш бозор ҳудудидаги гўшт, тукум павильониди:		
	— гўшт маҳсулоти (музлатишда)	2,5 кв.м.гача	7000
	— тукум маҳсулоти (музлатишда)	2,5 кв.м.гача	4500

Вилоят ихтисослашган бозорларида патта тўловлари миқдори

№	Бозорлар номи	Савдо фаолияти ва хизмат кўрсатиш тури	Битта савдо ўрни сатҳи (кв.м)	Патта тўлови миқдори (сўм)
1	Зангиота ҳужалик моллари бозори	Турғун савдо шохобчаларидан Омборхоналардан	Хар 1 кв.метрдан Хар 1 кв.м.га	450 300
2	"Эшон-Ғўзар" филиали	Миллий ҳунармандчилик маҳсулотлари сотиш	1,5 м	2500
3	Зангиота тум. "Илм шуъласи" бозори	Турғун савдо шохобчаларидан Турғун савдо шохобчаларидан Омборхоналардан	14 кв.м.гача 21 кв.м.гача 1 кв.метрча	5350 8000 80
4	Тошкент туман қўрилиш моллари бозори	Қўрилиш моллари Карбид, электрод, мик, сантехника	50 кв.м.гача 3 кв.м.гача	6000 3000
5	Зангиота "Сазовор савдо" бозори	Тўсин (қўрғула) Тўсин (қўрғула) Карбид, электрод, лак бўёқ Бошқа қўрилиш моллари	120 кв.м.гача 60 кв.м.гача 3 кв.м.гача 50 кв.м.гача	6500 3250 3000 4500
6	"Тоқ Ялло" қўрилиш моллари бозори	Ишлатилган қўрилиш моллари Карбид, электрод, мик Бошқа қўрилиш моллари	50 кв.м.гача 3 кв.м.гача 50 кв.м.гача	3500 2500 6000
7	Вилоят туман ва шаҳар бозорларида	Автоуловда сочиливан маҳаллий хом ашёларини сотиш (кум, шағал, шебень, гишт, тупоқ, гўнг, ўтин, ёғоч, шох-шабабар)	5 тоннагача бўлган юк автомашинасида 5 тоннадан юқори бўлган юк автомашинасида	3000 5000

Вилоят деҳқон, буюм ва ихтисослашган бозорлар ҳудудидаги турғун савдо шохобчаларидан ундирилдиган тўловлари миқдори

Вилоят туман ва шаҳар бозорларида	Мулкчилик шаклидан қатъи назар, бозорлар ҳудудида жойлашган турғун савдо шохобчалари (савдо павильонлари), шунингдек асосланган сабабларига фаолият кўрсатмай турган турғун савдо шохобчаларидан бозорлар инфратузилмасидан фойдаланилганликлари учун	Бозорларни ривожлантириш ва ободонлаштириш учун хар ойда эгаллаб турган ер майдонлари сатҳидан келиб чиққан ҳолда, бир ойда бир маротаба хар бир квадрат метр ер майдони учун	1200 сўм
-----------------------------------	---	---	----------

Изоҳ:

1. Сотувчилар томонидан белгиланган савдо ўрнидан ошиб бўлган жойини эгаллаган ҳолатларда — иккинчи жой учун тўлиқ ҳақ ундирилади.
2. Бир неча хил маҳсулотлар бир сотувчи томонидан сотилса, патта тўлови энг юқори маҳсулот турига белгиланган патта тўловлари миқдоридан ундирилади.

2-илова

Вилоят ҳудудидаги бозорларда аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш тўловлари миқдори

№	Кўрсатилдиган пуллик хизмат турлари	Хизмат ҳақи (сўм)
1		2
1.	Гўшт чопиб бериш (хар бир кг.дан)	200
2.	Гўшт чопиб сотиш учун керак бўладиган анжомлар (тарози, болта, пинчоқ ва бошқалар)	1000
3.	Кирага бериш учун тарози ва тошлар	700
4.	Контейнер (мева, сабзавотлар учун қўл араваси)	400
5.	Брезент (мева, сабзавотлар ёпиш учун – бир кунга)	400
6.	Товар тарозидида маҳсулот тортиб бериш	300
7.	Савдо жиғозларини ижарага бериш (паппис, сават, пинчоқ, воронка ва бошқалар)	300
8.	Махсус уст-бош билан таъминлаш (бир кунга) : – халат – этак – энглик	300 200 150
9.	Қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сақлаш учун – бир кунга: – совутиқларда (1 кг.маҳсулот учун) – омборларда (1 куб.м. жой учун) – сотувчиларнинг анжомлари (Тўрин учун)	200 550 250
10.	Автомашиналар тўхтайдиган жой учун: – юк машинаси (1 соатгача) (2 соатгача) (2 ва ундан ортиқ соатгача) – енгил автомашинаси (1 соатгача) (2 соатгача) (2 ва ундан ортиқ соатгача) – от, эшак аравалардан (1 соатгача) (2 соатгача) (2 ва ундан ортиқ соатгача)	1500 2000 3000 1200 1800 2500 250 350 550
11.	Электро-қаралар хизмати (бир ўрин)	600
12.	Карвонсаройдан фойдаланиш – бир кунга: – йирик молларга – майда молларга	1500 800
13.	Автомашина, от ва эшак аравалар бир марта бозорга кириб чиқиш (қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари орттилган автомашиналарда ҳақ ундирилмайди): – юк автомашинаси – енгил автомашинаси – от ва эшак аравалар – мотороллерлар	3000 1500 500 500
14.	Бозорларга бириктирилган ер майдонларида автомобилларни вақтинчалик сақлаш учун (парковка): – виллоят шаҳарларида – виллоят туманларида	500 400
15.	Меҳмонхонадан бир кеча-кундуз фойдаланиш	2000
16.	Ҳоҷатхона хизмати	300
17.	Қўшқоналар хизмати ҳар бошдан: – йирик моллар – майда моллар	9000 5000
18.	Қийим-кечак қийиб қўриш хонаси	200
19.	Телефондан фойдаланиш	300
20.	Бозор араваларидан фойдаланганлиги учун – бир кунига	6000
21.	Арава хизмати (бозор араваларидан ташқариси учун)	3000
22.	Полабзал таъмирлаш	500
23.	Пинчоқ, болта, арача чарклаш	500
24.	Авто-тарозидида бир марта тортиб бериш	1000

Ким, неча ёшда ва қайси ишда бўлмасин, барчага бораб бир улуг вазифа ва бурч бор. Бу – табиатимизни асраш, сизу бизга бешик бўлган Она ерни муҳофаза қилиш, ўсимликлару тоғу даштлар, дарё ва кўллар, ҳуллас, нодир табиат нени яратган бўлса, уларга инсоний муносабатда бўлиш, бу оламни соф ва мусоффо ҳолда кейинги авлодларга қолдиришдир.

Вилоят табиати муҳофаза қилиш кўмитаси ҳам табиати асраб-авайлаш йўлида кенг қўлланган ишларни амалга оширмоқда. Кўмитанинг атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш инспекцияси назорати остида 991 та корхона мавжуд бўлиб, улардан 445 таси транспорт корхоналаридир. Шу йилнинг ўтган даврида 135 та корхона учун меъёрий ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилиб, экологик экспертизанинг ижобий ҳулласи олинди.

Инспекция биринчи ярим йилликда 46 та корхонада текшириш ўтказди. Аниқланган камчиликларни бартараф эттиш юзасидан кўрсатмалар берилди. 29 та корхонада мониторинг олиб борилганда 512 та ифлослантирувчи манбалар текширилди. Бундан ташқари, 13 минг 33 та автотранспорт воситасидан 898 тасида атмосферага чиқарилаётган захарли моддалар миқдори меъёрдан ор-


Сув ва ер ресурсларини ифлосланишдан сақлаш масаласи атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Вилоятдаги сув ҳавзаларининг экологик ҳолати ва сифати шу ҳудудда жойлашган кўп тармоқли саноат ва қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши билан чамбарчас боғлиқдир. Вилоят

учун 120 дан ортиқ, ерларни ифлослантирилганлиги учун эса 15 га яқин фуқаро ва юридик шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Вазирлар Маҳкамасининг “2008-2012 йилларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари тўғрисида”-ги қарориди ҳам сув ва ер ресурслари ифлосланишининг олдини олиш бораси-

рини реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича ташкилий-техникавий тадбирлар ишлаб чиқмоқда. Бу тадбирлар шу йилга келиб 58 тани, режа бўйича сарфланадиган маблағ миқдори 5 миллион 743 минг сўмни ташкил этди. Ярим йилликда сув ўтказиш тизимларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, очик сув ҳавзалари ва ерлар ифлосланишининг олдини олиб, ҳолатини яхшилаш, фермерларга сувдан фойдаланиш учун қўлайликлар яратиш бўйича арзирли ишлар амалга оширилди. Натихада виллоятда 496 800 куб метр сувнинг тежалишига эришилди.

Ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, тупроқнинг унумдорлигини ошириш бўйича ўтказилиши белгиланган 16 та тадбирга 14 миллион 655 минг сўм ажратилди. Иккинчи чоракнинг ўзиди 4 миллион 439 минг сўмлик ишлар бажарилди. Бу тадбирларнинг самараси ўларок, зарарланган ерларни соғломлаштириш, ер ости сувларидан фойдаланиш ҳамда экологик вазиятни барқарорлаштиришда яхши натижаларга эришилмоқда.

Холтўра СУВОНОВ,
виллоят табиати
муҳофаза қилиш
кўмитаси раиси.



Пском
ҳамиша
бетакрор.

Даврон АХМАД
сурат-лавҳаси.

ЧИҚИНДИДАН ХАРИДОРГИР МАҲСУЛОТ

Чикиндини дуч келган жойга ташлаш қадриятларимиз ва урф-одатларимизга тўғри келмайди. Лекин “мен билан сенинг, сен билан менинг ишимиз бўлмасин” қабилида иш тутадиганларнинг борлиги ачинарлидир. Бундай кишиларнинг чикиндиларни белгиланган жойга эмас, ориқ бўйларига, ям-яшил майсазорларга ёхуд кўча-кўйларга ташлаб кетаётганини кечириб бўлмайди.

Бугунги кунда виллоят табиати муҳофаза қилиш кўмитаси ходимлари чикиндиларни сақлаш, ташлаш ва жойлаштиришни назорат қилиш, уларни саралаб, қайта ишлайдиган маҳсул кичик корхоналарга жўна-тиш чораларини кўрмоқда-лар. Шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг “Табиати муҳофаза қилиш тўғрисида”-ги ҳамда “Чикиндилар тўғрисида”-ги қонун-лари талабларининг бажарилиши бўйича корхоналар ва аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари кенг йўлга қўйилган. Афсуски, мансабдор шахслар ва фуқаролар маиший чикиндиларни сақлаш ва жойлаштиришда камчиликларга йўл қўяптилар.

Олмалик шаҳар марказий шиофхонаси механиги А. Эргашев шиофхона ҳудудидаги чикиндиларни маҳсул кутига йймай, дуч келган жойга тўққани учун маъмурий жазо қўлланилиб, 37680 сўм жарима солинди. Олмалик кон-металлургия комбинатининг таъмирлаш бўлими бошлиғи Ф. Ҳамзаев ҳам чикиндиларни жойлаштиришда эътиборсизлик қилгани учун маъмурий жазо олди. Шу билан бирга автотранспорт парки чилангари А. Жўраев, 3-автобаза пайвандчиси Ф. Исмаилов ҳамда чилангар Ш. Холдоровнинг ҳар бирига 37 минг сўмдан жарима қўлланилди.

Фуқаролар чикиндиларни рухсат этилмаган жойларга ташлаб кетганлари учун маъмурий жазо қўллашга мажбур бўлиняпти. Ангрен шаҳри, 5-ҳада, 4-уйда яшовчи Ф. Фафуров, шу шаҳарлик Б. Қосимов, Янгийўл шаҳридаги “Avesto shams” корхонасида сизу биз у ер-бу ерга ташлаб кетадиган чикиндилардан пластмасса ишлаб чиқарилаётганига нима дейсиз?! Бекободдаги “Ўзметкомбинат” корхонасида иккиликни қора металлдан олинётган прокат маҳсулотлари эса анча харидоргир. Олмаликдаги “Аммофос” очик акциядорлик жамиятида фосфогипсини қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлган “Суперфос NS” минерал ўғити ва қурилиш учун гипсокартон ишлаб чиқарилаётганлиги айтилган мудоао бўляпти. Охангарон туманидаги “Муруват-Прогресс” масъулияти чекланган жамиятида нобуд бўлган ҳайвонларнинг суюқлари ва гўшлари утиллаштирилиб, суюқ уни ишлаб чиқарилиб, миқозларга етказиб берилмоқда.

Холпўлат ҚОБИЛОВ,
ер ости бойликлари ва
чикиндиларни
жойлаштириш
инспекцияси бошлиғи.

МАҚСАД АНИҚ, ИШ ҚИЗГИН

тиклиги аниқланди. 221 та транспорт экологик тоза сиканга табиий газ ёқилгиси-га ўтказилди. Табиати муҳофаза қилишга оид қонун талабларини бузганлиги учун 45 мансабдор шахс ва 137 фуқаро 5 миллион 746 минг сўм миқдорида жаримага тортилди.

Биринчи ярим йилда битум ва ҳазонларни ёқилишининг олдини олиш бўйича рейдлар ташкил этилди. Афсуски, бу борада ҳам қатор ҳуқуқбузарликлар аниқланди. Натихада 134 фуқаро ва 15 мансабдор шахсга 2 миллион сўмдан зиёд жарима солинди.

бўйича назоратга олинган объектларнинг умумий сони 1728 та. Бундан ташқари, виллоят ҳудудида 350 дан ортиқ пансионат, дам олиш ва болалар оромгоҳлари фаолият кўрсатмоқда. Нозирларимиз виллоятдаги сув ва ер ресурсларининг экологик ҳолатини доимий назорат қилиб боришади. Ҳафтада икки марта дарё ва кўлларда, очик сув ҳавзаларида рейдлар олиб боришади ва қонунбузилиш ҳолатлари аниқланса, маъмурий чоралар кўрилади. Ҳуосан, биринчи ярим йилликда сувларни турли хил йўллар билан ифлослантирилганлиги

да бир қанча тадбирлар белгиланган. Масалан, 2-саноат базаси участкасида соғломлаштириш, техник назорат олиб борилди. “Максам-Чирчиқ” очик акциядорлик жамиятига қарашли аммиак ишлаб чиқарувчи иккита цех таркибиди мис мавжуд бўлган оқаваларни тўплаш учун иккита идилни монтаж қилишга 14 миллион сўм маблағ ажратилди.

Шунингдек, атроф-муҳитга, сув ва ерларга салбий таъсирни камайтириш мақсадида корхоналар ҳар йили сув, канализация тармоқлари ҳамда оқава сувларни тозалаш иншоотла-



Табиат ва ИНСОН

Тошкент виллояти
табиатни муҳофаза қилиш
кўмитаси саҳифаси

ТАДБИР НОМИГА ЎТКАЗИЛМАДИ

Биз нафас олиб турган атмосфера ҳавосининг ифлосланиши глобал муаммага айланиб бормоқда. Йилдан-йилга автотранспорт воситалари кўпайиб бориши ва техник жиҳатдан носозларнинг йўлга чиқishi атмосфера таркибиди-ги зарарли моддалар меъёрдан ошиб кетишига сабаб бўляпти. Атмосфера ҳавоси ифлослани-шини камайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат кўмитаси, Ички ишлар ва Соғлиқни сақлаш вазирликлари ҳамкорлигида ҳар йили республика миқолида 10 апрелдан 10 майгача ва 10 августдан 10 сентябргача икки босқичли “Тоза ҳаво” тадбири ўтказиб келинмоқда. Виллоят ҳокими-нинг фармойишига кўра виллоятимизда тадбир-нинг икки босқичи ўтказилди.

Яқинда виллоят табиати муҳофаза қилиш кўмитасида ўтказилган семинар шу тадбирнинг якунларига бағишланди. Унда республика ва виллоят табиати муҳофаза қилиш кўмиталари, виллоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси, санитария-эпидемиология назорати маркази, барча минтақа ва туман кўмиталари инспекторлари иштирок этишди.

Семинарда виллоят кўмитаси ва жойлардаги давлат нозирларининг вазифалари ва текширишлар сифати, атмосфера муҳофазасига оид чора-тадбирларнинг ўз вақтида бажарилишини назорат қилиш ва “Тоза ҳаво”

тадбирининг натижалари ҳақида сўз юритилди.

Таъкидланишича, “Тоза ҳаво” тадбирини ўтказишдан кўзланган асосий мақсад, атмосфера таркибиди-ги зарарли тўтун ва газларни камайтириш, носоз ҳолатга келган уловларни таъмирлаш ҳамда шу йўл орқали ҳаво мусоффолиги-га эришишдир. Ойлик да-вомидида виллоят ички ишлар бошқармаси йўл ҳаракати хавфсизлиги, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази ходимлари билан биргаликда йўллар-да 12 та маҳсул экологик йўл-патруль хизмати мас-канлари ташкил қилинди. Асосий эътибор йирик



Тошкент-Олмалик, Тошкент-Бекобод, Тошкент-Чиноз, Тошкент-Бустонлик автомобил йўлларидаги транспорт воситаларида қаратилди. Постларда тайёрланган 14 та асбоб ёрдамида автотранспортлардан чиқётган зарарли газ ва тўтун миқдори ўлчаб қўрилди.

Бундан ташқари, виллоят ҳудудидаги автотранспорт воситаларидан фойдаланувчи, уларга техник хизмат кўрсатувчи ва ёқилги қўйиш шоҳобчалари ҳамда йўлларда автомобиллар қўриқдан ўтказилди. Атмосфера ҳавоси транспорт воситалари чиқарётган зарарли чикиндилар билан ифлос-

ланишини текшириш бўйича назоратни кўчатириш ҳамда автомобилларга ёқилги қўйиш, техник хизмат кўрсатиш шоҳобчаларида, автокорхоналарда, авто-мобиль йўлларида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қондаларига риоя қилини-ши устидан назоратни қўчатириш борасида виллоят ҳокимининг фармойиши эълон қилинди.

Фотима ШОДМОНОВА,
атмосфера ҳавосини
муҳофаза қилиш
инспекцияси етакчи
мутахассиси.

СУРАТА: семинарда
амалга оширилган ишлар
сарҳисоб қилинди.

БУ ҚИЗИҚ

ИНСОН ҚАНЧА УМР КЎРИШИ МУМКИН?

Инсонлар пайдо бўлгандан буён соғлом, бақувват ва узок умр кўриш йўллари изланганлар. Ҳозир ҳам геронтолог олимлар бу соҳада маълум бир муваффақиятларга эришмоқдалар. Ўртача умр ҳаётининг ҳақиқий мезони бўлиб, амалда инсон умри қанча узаяётганини кўрсатади. Чех олими Грмекнинг маълумотларига

қараганда, I-II асрларда Италияда одамлар ўрта ҳисобда 31,6 йил умр кўрган. Ўрта асрда эса Европада яшовчиларнинг ўртача умри 25 йил бўлган. 1907-1909 йиллардаги маълумотларга қараганда, Россияда ўртача умр 30-33 йил, 1926-27 йилларда 44,3, 60-йилларда 67 йилга тўғри келган.

ва кўёш оралигидаги масофани аниқ ўлчаган илм ҳам ўлимга қарши туришга ёки кекса бари чолини ёш йигитга айлантириб қўйишга қодир бўлгани йўқ.


Олимларимиз турли ҳайвонларнинг қанча яша-шини текшириб, улар орасидаги ўзига хос тафовутни аниқлаганлар. Ҳашарот, курт-қумурсқалар бир неча соат яшайди, холос. Фил 150-200 йил, от 40 йил, қўшлардан бургут, оқуш, тўти 100 йилгача, тошбақа ва тимсоҳлар 300 йилгача яшар экан. Калтақасакларнинг айрим турлари 700-800 йил умр кўради. Океан, денгиз тўбиди яшовчи капалакка

ўхшаш бир жонзот бор-йўғи 48 сония умр кўрар экан. Аммо у қиска ҳаёт-дат яшаса ҳам бошқа ҳайвонлар каби ҳаётнинг барча босқичларини ўтаб, ўзидан зурриёт қолдири-ши илмда тасдиқланган. Ҳайвонлар умри уларнинг ўсиш даврига қараганда 5-8 марта ортиқ бўлади. Масалан, ит 2 йил мобай-нида ўсади, 10-15 йил яшайди. От 5 йилда ўсади, умри эса 30-40 йилга етади. Одам 25-30 ёшгача ўсиб, ривожлана-ди, демак инсон нормал шароитда 150 йилгача яшаши мумкин. Шунинг учун ҳам кўпчилик олим-лар кишиларнинг 100 йил-га етмасдан вафот этиши-

ни экология, яъни ҳаво, сув ва умуман табиатга нотўғри муносабатда бўлиш, бу унсурларни аёвсиз ифлослантириш оқибати деб билдилар.

Узоқ умр кўриб, ҳаёти-ни роҳат-фароғатда ўтқа-заётган эркак-аёллар рес-публикамизнинг барча қишлоқ ва шаҳарларида бор. Улар билан сўхбат-лашсангиз, дил яйрайди. Сўзлари самимий, хотира-лари жойида, саломатлик-лари ҳам яхши. Ўзлари-нинг ўтмишлари, бошдан кечирганларини фарзанд, набира, эвара, чеварала-рига айтиб бериб, урф-одатимиз, қадриятлари-мизни тиклаш, покликни, халққа хизмат қилишни, ҳалол ризқ топишни мас-лаҳат қилиб, ахлоқ ва тар-бияга катта ҳисса қўшиб келмоқдалар.


Маълумотларга қараган-да, ҳозир АҚШда 100 ёшдан ошган кексалар 60 мингдан, Японияда 100 мингдан кўп экан.



Миркарим
МИРСОВУРОВ.

Саҳифани виллоят табиати муҳофаза қилиш кўмитаси мутахассиси Қобилжон СОКИЕВ ва “Тошкент ҳақиқати” муҳбири Хўрида ТУРСУНБЕКОВА тайёрлади.

16 СЕНТЯБРЬ – БУТУНЖАХОН ОЗОН КУНИ



БАРҚАРОР ЭКОЛОГИЯ — КЕЛАЖАГИМИЗ

“ЭКОСАН” халқаро жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофаза қилиш давлат кўмитаси билан ҳамкорликда 2010 йил – “Барқарор авлод йили” Давлат дастури доирасида “Барқарор экология – келажагимиз” мавзусида учрашув ўтказди.

Оққўрғон транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи ўқитувчи ва ўқувчилари, туман маҳаллалари фаоллари учрашувга таклиф этилган олимлар ва ўқитувчи-ларнинг атроф табиий муҳитни асрашда ёшлар тарбияси, айниқса, экологик онг ва экологик маданият-ни шакллантиришнинг аҳамияти бўйича маъруза-лар тингладилар.

Коллежнинг янги ташкил этилган “Ёш экологлар от-ряди” аъзолари атроф-муҳит муҳофазасининг дол-зарб муаммолари ва унинг ечимида ёшларнинг ишти-рокига бағишлаб, Бутунжа-хон Озон куни, ўзбек ва қозоқ халқларининг буюк мутафаккирлари Юсуф Сарёми таваллудининг 170 йиллиги ҳамда Абай Қўнанбоев таваллудининг 165 йиллиги муносабати билан уларнинг табиатга ба-ғишланган асарлари асоси-да тайёрланган сахна асар-ларини намойиш этдилар, ғазалларини ўқиб берди-лар.

“ЭКОСАН” халқаро жа-моат фонди бошқаруви раиси ўринбосари Комил-жон Жўраев “Ўзбекистон-да экологик муаммоларга эътибор” мавзусидаги чи-қишида Ўзбекистон Рес-публикаси Конституцияси-нинг 50-, 54- ва 55-эколо-гияга бевосита алоқадор моддаларида белгиланган ҳуқуқлар ва мажбуриятлар-нинг ижросини амалга оши-риш борасида мамлақати-мизда олиб борилаётган фаолият ҳақида сўзлаб, улар асосида қабул қилин-ган кўплаб қонун ва қону-ности ҳужжатларни ўрга-ниш, уларни тузатиш ва ўзгартиришлар киритиш, янги қонунларни тайёрлаш ва қабул қилиш борасида депутатлар томонидан олиб борилаётган фаоли-ятга ҳам тўхталди. Жумла-

дан, ўз мустақиллигига эришгандан буён Ўзбе-кистон атроф-муҳитни му-ҳофаза қилиш бўйича 11 та халқаро Конвенция ва Про-токолларни ратификация қилган. Уларнинг моҳияти, она табиатни асрашдаги аҳамияти ҳамда мамлақати-мизда бу борада амалга оширилаётган ибратли ишлар, янги лойиҳалар, хусусида алоҳида-алоҳида маълумотлар бериш мум-кин ва бундай ахборотни ёшларга мунтазам етказиб бориш бугунги куннинг долзарб вазифасидир. Бе-восита ёш авлоднинг эко-логик онги ва маданияти-ни оширишда бугунги каби тадбирлар самара бериши аниқ. Бундай илғор тажри-бадан унумли фойдаланиш зарур. Ўзбекистон Эколо-гик ҳаракати конференция-сида сайланган 15 нафар Олий Мажлис депутатининг Кўнунчилик Палатаси кўми-таларида фаолият кўрсати-шаётгани ҳамда алоҳида экология кўмитаси ташкил этилгани эндиликда эколо-гик қонунчиликнинг риво-жиди ибратли ишлар амал-га оширилишига ишончни оширади.

“ЭКОСАН” ХХФ раҳбари ўқувчиларни жаннатмакон табиатимизни ардоқлашга чорлади, коллежда эколо-гик таълимни кучайтириш мақсадидаги йўналиштирил-ган адабиётлар, плакатлар, харита, видео ва DVD ком-пакт дисклари ҳамда янги ташкил топган 2 гуруҳдан иборат “Ёш экологлар от-ряди” аъзоларига “ЭКО-САН” логотипи туширилган футболка ва бейсболкалар-ни совға қилди.

Анжуман ниҳоясида Орол муаммосига бағиш-ланган “Харитага номи ёзилмаган саҳро” ҳужжат-ли фильми намойиш этил-ди.

